



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 6 август, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (11.212)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятида мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик» шиори остида кўрик-танлов ўтказилмоқда.

● Ангрендан 30 километр узоқдаги Лашкерак қишлоғида 180 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қад ростлади. Шаҳардаги 3-механизациялашган қурилиш ташкоти бунёд этаётган мазкур иншоотда ҳозирда пардозлаш ишлари тугалланмоқда. Бундан ташқари қишлоқдаги 30-умумтаълим мактабида 272 миллион сўмлик реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

● «Чимбой мой» очиқ акциядорлик жамиятида экстракция цехи ишга туширилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида 287844 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айни пайтда корхонада қадоклаш цехини ҳам ишга туширишга тайёргарлик ишлари кетмоқда.

● Қашқадарё вилояти Ўлкашунослик музейида «Истиқлолдан баҳра олган юрт» мавзусидаги кўргазма намоиши этилмоқда. Кўргазмадан Мустақиллик йилларида вилоят миқёсида амалга оширилган ислохотларни акс эттирувчи ашёлар ҳамда фотосуратлар ўрин олган.

● Бухоролик темирчи уста Шавқиддин Камолов Американинг Сантафэ шаҳрида бўлиб ўтган «Shalk art» халқаро хунармандлар кўргазмасида қатнашиб, махсус соврин ва диплом эгасига айланди. Кўргазма ташкилотчилари ва америкалик мутахассислар ўзбекистонлик уста хунарманд томонидан дамашқ пўлатидан ўзгача маҳорат билан ишланган пичоқ ва ханжарларга юқори баҳо беришди.

● «Узи-Қарши» филиалида алоқа хизмати тўловларини амалга оширадиган марказий касса ишга тушди. «Биносоз мебель» кичик корхонаси қурувчилари томонидан қайта таъмирланган марказий касса шаҳар аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотлар учун алоқа хизмати тўловларини амалга оширишларида қулайликлар яратмоқда.

## ЖАҲОНДА

● АКШ Президенти Жорж Буш Жанубий Кореяга икки кунлик ташриф билан келди. Бу ерда ҳар иккала давлат Президенти Корея ярим оролидаги вазиятни муҳокама қилади. Шу билан АКШ давлат раҳбарининг Осиё мамлакатларига ташрифи бошланди.

● Кеча Япониянинг Хиросима шаҳридаги Ёдгорлик боғида 45 минг киши иштирокида 1945 йил 6 августда АКШ томонидан ташланган атом бомбалари қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Бугун Пекинда Олимпиада машъаласи эстафетасининг сўнгги босқичи бошланди. Эстафетада биринчи бўлиб олимпия машъаласини хитойлик фазогир Я. Ливей элтади.

● Эливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирийнинг қотилини аниқлаш бўйича келгуси йил халқаро трибунал иш бошлайди, деб ёзда маҳаллий газеталардан бири «Ас-Сафир». Харирий 2005 йилнинг 14 февралда Байрут марказида рўй берган портлаш натижасида ҳалок бўлган. Канадалик ҳуқуқшунос Даниэл Белмор мазкур суиқасд устида олиб бораётган текширувни тугатгач, халқаро трибунал ўз ишини бошлайди. Судда Даниэл Белморнинг прокурор сифатида иштирок этиши кутилмоқда.

● Финляндиянинг уяли телефонлар ишлаб чиқарувчи машҳур «Nokia» компанияси ўз маҳсулотлари нархини янада арзонлаштиришни маълум қилди. Яъни компания фотокамера ва мусиқа плейери билан жиҳозланган уяли телефонларнинг нархини 10 фоизгача туширади. Қузатувчилар компания ўзининг асосий рақиби бўлган «Sony Ericsson»ни «синдириш» учун шу йўлни танлаганини айтишмоқда.

● 11 та мамлакатнинг 45 нафар спортчилари допинг назоратидан ўтолмаганлиги сабабли Пекинда ўтказиладиган Ёзги Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

● Аҳолиси 1300 кишидан иборат АКШнинг Миссури штатидаги Рок Форд шаҳарчаси ўзини фақат шомол қувватидан электр токи олиб таъминловчи биринчи аҳоли пунктига айланди. Далаларда жойлашган тўртта шомол турбиналари шаҳарчага электр токини етказиб турибди. Бунга Рок Форднинг шомол энергиясидан фойдаланиш учун қулай географик шароитта эгаллиги туфайли эришилди.

● АКШнинг Орегон штатида «Сессна» русумли бир моторли самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

● Англиянинг Манчестер аэропортининг учмиш-қуниш майдончасида иккита самолёт тўқнашиб кетди. Тўқнашув натижасида қурбонлар бўлгани йўқ.

● Американинг икки йирик компанияси — «General Motors» ва «Ford» ҳамкорликда ишлашни режалаштирмоқда, дея хабар беради Lenta.ru интернет сайти. Матълумотларда келтирилишича, бир вақтлар автомобилсозлик соҳасида катта ютуқларга эришган мазкур компанияларнинг иқтисодий аҳоли ҳозирда бироз ёмонлашган. Ҳамкорлик доирасида машиналарнинг эҳтиёт қисмлари биргаликда ишлаб чиқарилади. Бу, ўз навбатида, харажатларни анча камайтириши мумкин экан.

## Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ҳуқуқшунослар, ёшлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш — демократик жамиятнинг муҳим омили» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йилига тўхфта сифатида Яқкасарой туманидаги 118-мактаб биноси бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланмоқда.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 184-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилидан қурувчилар томонидан бунёд этилган янги бинода таҳсил олишади.

● **БОЛАЛАР** мусиқа мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида шаҳримиздаги 5-мусиқа мактаби биноси қайта таъмирдан чиқарилмоқда. Ушбу ўқув масканига янги ўқув қуроллари, замонавий педагогик технологиялари, мусиқа асбоблари тўхфта этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк» ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган «Ёш тадбиркор—элга мададкор» танлови республика босқичи голиблари тақдирланди.

● **КЕЧА** Қорақалпоғистон Республикасидан келган 200 нафар болажонлар Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги ёзги оромгоҳларига жойлаштирилди.

● **ЎТГАН** кун Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйи уй ҳамшираси курси битирувчиларига дипломлар топирилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўтказилган «Очиқ эшиклар кун» тадбирида тўғарақлар аъзолари ва ота-оналар иштирок этишди.

## 17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир



**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. АЙНИҚСА, ТУМАН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАСИДА ЎЗ ТЎҒРИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ БОРАСИДА ҲАМ АНЧАЙИН ЮТУҚЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН.**

## Чилонзор тумани: ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, туман иқтисодий — ишлаб чиқариш солиштирма нархларида 221,6 миллиард сўмни, ўсиш суръати эса 120,7 фоизни ташкил этди, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 176,7 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати 164,8 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, чакана савдо айланмаси 108,4 фоизга, аҳолига намунали хизмат (пулик) кўрсатиш 113,12 фоизга, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш 105,7 фоизга ўсган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу туманда фаолият юритаётган қўллаб қорғонлар, масалан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Совпластитал» кўшма корхонасининг пластмасса буюмлари, гул, эксклюзив соғабоп маҳсулотлари кириб бормаган нафақат пойтахтликлар хонадони, балки республикамизда уй, корхона, ташкилот, муассаса топилмайдиган, десак муболага бўлмайдиган. Йилига 300 мингта сифатли, замонавий дизайнли телевизор, 30 мингта харидоригир куз-киш кондиционерлари ишлаб чиқараётган «Ройсон-электро-

ник» масъулияти чекланган жамияти, «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг рақобатбардош электр товарлари, «Жўрабек лабораториес ЛТД» кўшма корхонасининг дори-дармонлари шахримизда туманининг муносиб ўрни борлигини кўрсатади. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш бўйича корхоналар 32,5 миллиард сўмлик ёки 24,8 миллион долларга тенг келадиган иш бажаришди.

Шунингдек, 2008-2011 йиллар учун умумий ҳажмида 17,2 миллиард сўмлик 6 та инвестиция лойиҳалари (шу жумладан 5,3 минг АКШ доллари тўғридан-тўғри инвестиция) киритиш мўлжалланган бўлса, шулардан ярим йилликда 12,7 миллиард сўмлик маблағ жалб қилинди (73,8 фоиз). Туман ҳудудида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан жами 58,3 миллиард сўмлик 3656 та кредитлар берилган, ёш оилаларга истеъмол кредитларини олиш учун 410 та 1,3 миллиард сўмлик, 91 та 3,4 миллиард сўмлик ипотека кредитлари аж-



ратилган. «Ёшлар йили» туман ҳудудий дастуридаги асосий масалаларга ҳомиёлар ва ижрочи ташкилотлар ҳамда бюджет ҳисобидан 8,5 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган бўлиб, амалда (ярим йилликда) 15,4 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланган.

Туманда «Бандлик» дастури доирасида 3237 та янги иш жойлари ташкил этилди, шу жумладан 467 та касаначилик ўринлари яратилди. Улардан йирик санат корхоналарида 85 та, бошқа йирик корхоналарда 174 та, кичик корхоналарда 208 та касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилди.

(Чилонзор туманига бағишланган саҳифа материалларини 3-бетда ўқийсиз)



## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

**ЮРТОШЛАРИМИЗ ВА МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШИДА ЎЗИГА ХОС КАТТА РАМЗИЙ МАЪНО БОР. ЗЕРО, БУ МАЙДОН АЖДОДЛАРИМИЗ АСРЛАР МОБАЙНИДА ОРЗИҚИБ КУТГАН, БУГУНГИ АВЛОДЛАРГА НАСИБ ЭТГАН ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ — ИСТИҚЛОЛИМИЗ РАМЗИДИР. ШУ БОИС БАРЧАМИЗ МУСТАҚИЛЛИК БИЗГА БЕРГАН НЕЪМАТЛАРНИНГ НЕЧОҒЛИ БУЮК ВА ҚАДРЛИ ЭКАНИНИ ШУ МУАЗЗАМ МАЙДОН ТИМСОЛИДА НАФАҚАТ ТАСАВВУР ҚИЛАМИЗ, БАЛКИ ЮРАҚДАН АСТОЙДИЛ ХИС ЭТАМИЗ.**

**МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАРНИНГ ҚАДАМИ УЗИЛМАЙДИ. ЎЗА МУХБИРЛАРИ УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ.**

**Мауро ДЕСТИЖИ (Испания):**  
— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Саёхатим ниҳоятда мазмунли ўтмоқда. Сафарим давомида қадимий шаҳарларингиз — Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги қўллаб қўллаётган сазовор жойларни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман. Ойнаи ҳақорат орқали юртингиз манзараларини томоша қилган, менда бу ерга келиш иштиёқи пайдо бўлган эди. Тошкентдаги Мустақиллик майдонининг гўзаллиги ва тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан қуч-қудрати ва салохиятидан далолат бериб турибди. Улар халқингизнинг гурур ифтихорини янада юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Динеш СИНГХ (Хиндистон):**  
— Ўтган йили Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида меҳмон сифатида иштирок этгандим. Ушанда тилларда дoston қадимий Самарқанднинг гўзал ва бетакор гўшаларини томоша қилиб, ҳайратга тушган эдим. Бу сафар Тошкентга келиб, қадимий ва навқирон пойтахтингизнинг таровати, хушманзара табиати, файзли ва сўлим боғларини кўздан кечириш имконига эга бўлганман. Мамлакатингизда келаси йили дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда Шарқ дарвозаси деб эътироф этилган азим Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилатганининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Пойтахтингиз, айниқса, Мустақиллик майдони ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ям-яшил майдон ва мўъжизакор бинолар кишида эзгу хислар ва ҳавас уйғотади. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Бахтиёр она хайкали мамлакатингиздаги тинчлик, барқарорлик ва бахтиёрлик, буюк келажакка бўлган қатъий ишончи тисмолидир.

**Арслан ДУРГЕЛ (Туркия):**  
— Тошкентга беш йил аввал келган ва бу ерга яна келишни ният қилган эдим. Қисқа фурсат ичида шаҳрингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Довруғи тилларда дoston қадимий Шошнинг кенг ва озода, файзли кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, олам-олам завқ олсан киши.

Мен Ўзбекистоннинг қўллаб жойларига бўлганман. Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро каби шаҳарларингиздаги бетакор мезморий обидалар, муқаддас қадимжолар ва маданий ёдгорликлар кишида унутилмас таассурот қолди-

лардан биридир. Мустақиллик ва эзгулик монументида ўзбек халқининг қалб қўридаги эзгу орзу-ниятлари ўз ифодасини топган. Жаннатмонанд Ўзбекистоннинг самимий, меҳмондўст, баррикенг ва меҳридор халқи га ҳавас қилса арзийди.

Бу юрда яшаб, иқод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улғу алломалар дунё илм-фанининг ҳамда ислом маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Тошкент — ҳар томонлама ривож топган гўзал шаҳардир. Шу боис ISESCO томонидан Тошкент 2007 йили ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, халқингиз аждодлардан қолган бой меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва авлодларга етказиш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари туфайли ҳам бугун Ўзбекистон изчил ривожланмоқда. Ушбу муқаддас замин келгусида янада тараққий этишига шубҳа йўқ.

**ЎЗА МУХБИРЛАРИ ИРОДА УМАРОВА, НОДИРА МАНЗУРОВА**  
ёзиб олди.

17 МУСТАҚИЛЛИК йил

Албатта, бу ютуқларга осонликча эришилган йўқ. Бугун биз фахр билан қайда эътиборни юксак натижалар замирида давлатимиз раҳбарининг узоқчи қўлаб амалга ошириб келаётган оқилона сиёсати мўжассам. Агар ислохотларнинг дастлабки даврида асосий эътибор мамлакатни то-талитар тузум даврида бошланган иқтисодий инкироздан олиб чиқиш, ривожланишнинг стратегия йўналишларини белгилаш ва унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиб беришга қаратилган бўлса, янги асрдан эътиборан давлат ва жамият ҳаёти-нинг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устувор аҳамият касб эта бошлади.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган биринчи босқич ўтиш даври сифатида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги давр эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қону-чилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гу-манитар соҳаларни изчил ислох қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Халқимиз ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясини ҳаётга татбиқ этишга мўваффақ бўлди. Бунинг натижасида фуқаролик жамияти-нинг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тақомиллашди. Ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ва маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар жадаллашди.

Шахс ва оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилиниши, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланиши, шубҳасиз, ўз самараларини берди. Айниқса, бу жараёнда халқимизнинг тарихан шакланган миллий ва маданий ўзига хослигининг ҳисобга олинishi ислохотлар ва янгиланиш ғояларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақилликнинг илк йилларидан қонун устуворлигига, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига катта эътибор қаратилиши ва ушбу масаланинг мазкур беш тамойил қаторига киритилиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим тарихий қисми сифатида чуқур ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши учун замин яратди.

Бунинг натижаси ўлароқ, Конституция-мизда, қонунларимизда ва умумэтироф этилган ҳалқаро нормаларда мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, инсоннинг ҳаёти, дахл-сизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми шакллантирилди. Айнан шу масалалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг беш мақсади-га айланди. Судларнинг иқтисодлаш-тириши, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судларнинг ташкил этилиши, судларнинг суд қарорларини ижро этиш вазифаларидан озод қилиниши ислохотларнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида аташ мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасида рўй бераётган бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Судларни жазолаш ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси мўваффақиятли хал этилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мўносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал ко-

ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ ТАНТНАЛАРИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА УШБУ ҚУТЛУФ САНАНИ КЕНГ МИҚЁСДА НИШОНЛАШГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК ҚЎРИЛАЁТГАН ШУ КУНЛАРДА ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ХАЛҚИМИЗ БОСИБ ЎТГАН ТАРИХИЙ ВА МУРАККАБ ЙЎЛГА ЯНА БИР БОР НАЗАР ТАШЛАЙДИغان БЎЛСАК, МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЙТИМИЗ ДАВОМИДА НЕЧОГЛИ ЮКСАК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНИГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛАМИЗ.

декларация ўзгаришлар киритилиши суд-ҳуқуқ соҳасида янги, муҳим босқични бошлаб берди. Жиноятлар таснифлаши ислох қилиниб, жиноятлар таркибининг 75 фоизга яқини ижтимоий ҳафти катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, атиги 25 фоизи эса оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидagi жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тарихида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мазкур ўзгаришлар қабул қилингандан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш борасидаги жазони тайинлаши 2007 йилда 2000 йилдагига нисбатан қариб 20 фоизга камайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва ўша йил 8 августда имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари асосида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўли-

ўтказилиши мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъкиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди.

Бу эса, ўз навбатида, терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниш қўллашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, энг асосийси, суд мустақиллигини мустақамлаш, шунингдек, шахсининг конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиши таъминлашга хизмат қилди. Ана шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги қонулар ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига мутахассислар иштирокида пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хорижий тажрибанинг чуқур ўрганилиши ва таҳлил қилиниши ҳам бу борада катта аҳамият касб этди.

Таъкидлаш керакки, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан Президентимизнинг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга қайтариш тўғрисида"ги фармони юзасидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 90,3 фоизи Юртбошимизнинг ушбу қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлаш тарафдор экани маълум бўлди. Бу Президент ғояси халқ ғоясига айлангани, кенг жамоатчилик мамлакат ҳаётидаги ислохотларни қизгин қўллаб-қувватлаётганини яққол тасдиқлайди.

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, суд амалиётида ярашув инстиутининг жорий этилиши қонунчиликни мустақамлашда муҳим омил бўлди. Ҳуқуқий мўносабати рақибларнинг эркинлаштиришда самарали восита бўлиб хизмат қилаётган мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, жиноий жавобгарликдан озод этишда кенг имконият яратмоқда.

Билиб-билмай жиноят содир этган шахсларга тўғри йўл кўрсатиш, кечиримлилик, бағрикенглик халқимизга хос фазилатлардан. Қонунчилик тизимига ярашув инстиутининг киритилиши том маънода бағрикенглик билан мўносабати. Зеро, ярашув мўносабати на-мунанга кўлаб фуқаролар "судланган" деган тамгадан халос бўлишар. Ушбу институт хозиргача етмиш бир минг нафар қилинган нисбатан татбиқ этилди. Ана шу далилнинг ўзидек мазкур инстиутнинг нечоғли юксак самарасига эга эканидан далолатдор.

Энг муҳими, бу каби янгиланишлар миллий қонунчилигимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яққол намоён этиши баробарида, одамлар онгида одил судлов тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати эканлиги ҳақидаги дунёқарашни шакллантириб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора орттиришга мўносабати замин яратди.

Шундай кезларда собиқ шўро зонамида халқимиз бошидан кечирган ноҳақлик ва адолатсизликлар ёдга тушади. Уша машъу-р даврда "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган сохта айбловлар билан мингалар юртдошларимизнинг шаъни, қадр-қиммати аёв-сиз топталгани, улар кўз қўриб, қулук эшит-маган азоб-қўбатларни бошидан кечир-ишга мажбур қилинганлини унутиб бўлмайди.

Уша даврда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати ва шахсини ҳимоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Юртимиз-да бугунги кунда ўша муҳим сиёсатнинг азобини унутолмай яшаётган оилалар жуда кўп. Халқимизни ана шундай адолатсизлик ва ноҳақликлардан, бир сўз билан айтган-да, муқаррар халокатдан Ватанимиз муста-қиллиги, Президент Ислам Каримовнинг тенгсиз жасорати сақлаб қолди.

Кези келганда шуни қайд этиш керакки, жиноят-процессуал ва фуқаролик процес-суал қонунчилигига аялелияда институтини киритилиши ва 2001 йил февраль ойидан бошлаб суд амалиётига жорий этили-ши натижасида жиноят ва фуқаролик иш-ларини белгиланган муддатларда ҳал эти-лишига эришилди. Кассация институтининг жорий этилиши ҳам шахс ҳуқуқ ва манфа-атларини суд орқали ҳимоя қилишда му-ҳим босқич бўлди. У судлов тизимида янги имконият ва кафолатларни яратди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай ҳаёتبаш ислохотлар на-тижасида судланганлик ҳолатлари сони йил-дан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг қуйи-даги рақамларда ҳам қўриш мумкин. Суд-ланганлик ҳолати 2008 йилнинг биринчи ярмида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фоизга камайган. Бу жиноий жазо-ларнинг либераллаштирилиши ва аҳоли ўртасида олиб борилган кенг миқёсли ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларининг са-марасидир. Зеро, ҳуқуқий маданият ва дунёқарашнинг юксалиши ҳуқуқий демокра-тик давлат барпо этишнинг муҳим шартла-ридан ҳисобланади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастла-би йилларидан бошлаб суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустақамлаш йўлида кенг камровли ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Суд қонунчилигини де-мократлаштириш ва ли-бераллаштириш ҳамда суд тизими мустақилли-гини таъминлаш бўйича

тадқиқот марказини ташкил этиш тўғриси-да"ги қарори ҳам Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган чуқур де-мократик ислохотларнинг мантйқий даво-ми бўлди. Зеро, мазкур қарор мазмун-мо-ҳияти билан ҳуқуқий қўллаш ҳамда суд ам-лиётини тақомиллаштириш, суд мустақил-лигини мустақамлаш ва обрўсини кўтариш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини пухта ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мазкур қарорнинг ўзига хос жиҳати шун-даки, унга кўра, Олий суд органлари тизи-мида суднинг асосий вазифасини ҳал этиш, яъни суд-ҳуқуқ тизимини янада либерал-лаштириш ва демократлаштириш, шунинг-дек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъ-минлаш ҳолатини таъкид этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги ташкил этил-ган Тадқиқот маркази олдида бир қатор муҳим вазифалар турибди. Одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хори-жий ташкилотлар билан кенг ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэти-роф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчилик-ка татбиқ этиш каби вазифалар шулар жум-ласидандир. Бундан ташқари, Тадқиқот мар-казининг ташкил этилиши Ўзбекистон Ре-спубликаси Олий судининг Конституциянинг 83-моддасида белгиланган қонунчилик та-шаббуси ҳуқуқидан янада самарали фой-даланиши борасида муҳим омил бўлади.

Айтиш керакки, ушбу қарор ижросини самарали таъминлаш мақсадида бугунги кунда Тадқиқот марказини суд-ҳуқуқ ва ах-борот-таҳлил соҳасида етарли иш тажри-басига эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирди, уларни тайёрлаш ва қайта тай-ёрлаш, шу жумладан, илғор чет эл таҳлил марказларида тажрибасини ошириш, Мар-каз фаолиятининг 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш бо-расида қизғин иш олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Одил судлов ти-зими инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатидир. Бу мустақил мамлакатимизнинг истиқболи-га мустақам замин бўлиши демакдир. Хал-қимиз мустақиллик туфайли ана шундай имкониятларга эришди. Уни асраб-авайлаш, янада мустақамлаш, она юртимизни бун-данда гуллаб-яшнаштиш учун фидокорона меҳнат қилиш юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Бўритош МУСТАФОВЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси  
(ЎЗА)

«ГРЕЦИЯ—ХИТОЙ» МОТОПОЙГАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ТОШКЕНТДА «ГРЕЦИЯ—ХИТОЙ» ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎТАЁТГАН МОТОПОЙГАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. МУСОБАҚАДА 60 ТА МОТОЦИКЛДА 65 НАФАР ИШТИРОКЧИ ҚАТНАШАЁТГАН БЎЛИБ, УЛАР ОРАСИДА ТАРИХЧИЛАР, ЭТНОГРАФЛАР, ГРЕЦИЯ ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БОР.

Мотопойгани асосий ташкилотчиси — Грециянинг «Зайтун йўли» маданият жағмармаси бўлиб, унга Греция Таълим ва маданият вазирлиги ҳамда Афина шаҳри мэри-лиги қўмак кўрсатаёти.

Спорт анжуманини ўтказишдан мақсад — Олимпияда ўйинлари ғояси ва маданиятлараро мулоқотни тарғиб этиш, шунингдек, пойга йўналишида жойлашган мамла-катларнинг маданий ва тарихий мероси билан танишиш-дан иборат.

Мусобақа иштирокчилари Ўзбекистон ҳудудида «Бу-хоро-Самарқанд-Тошкент-Андижон» йўналиши бўйлаб ҳаракатланди. Улар Тошкентда бир муддат тўхтаб, мам-лакатимиздан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

Грециянинг «Зайтун йўли» маданият жағмармаси раиси Я. Карабатиноснинг қайд этишича, иштирокчилар Ўзбекистонда бўлган вақт давомида, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишиш имкониятига эга бўлди.

«Менга ҳаммасидан ҳам ўзбек халқининг меҳмондўст-лиги манзур бўлди, — деди у. — Грецияга қайтгач, ушбу қизиқарли спорт анжумани, шунингдек Марказий Осиё халқларининг бугунги ҳаёти, маданият ва аъёнчаларига бағишланган видео репортажлар ва мақолалар тайёр-лашни режалаштиришимиз».

Греция зайтун ишлаб чиқарувчи компаниялар уюшмаси бош менеджери Ж.Ойконому Ўзбекистонда келгуси авлодлар учун мамлакат ҳудудидаги гўзал ва кўнжа шаҳарларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилаётганини юксак баҳолади. «Гре-ция ҳам бой маданиятга эга кўнжа мамлакатдир. Шу бо-сиз бизда ушбу йўналишда Ўзбекистонда амалга оширила-ётган чора-тадбирлар катта таассурот уйлотди. Юртин-гизда бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртаси-даги кўплаб жиҳатлар ўхшаш эканига амин бўлдим. Бун-га Ўзбекистонда эллин маданияти, Грецияда эса Шарқ халқлари маданиятига хос бўлган унсурларни учратиш мумкинлиги далил бўла олади», — деди грециялик иш-билармон.

Юртимиз грециялик ёзувчи И.Карамбеласда уну-тилмас таассурот қолдирди. «Ўзбекистон кўнжа тарих, бағрикенглик ва меҳмондўстликда беқеёс халққа эга бўлган гўзал дёнр сифатида қалбимда бир умрга муҳр-ланиб қолади, — деди у. — Халқларимиз кўп асрлик тарихий алоқаларга эгадир. Бу маданиятларимиздаги ўхшаш жиҳатларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Сиз-нинг Ватанингиз тарихи, халқингиз меҳмондўстлиги, мам-лакатингизнинг ранг-баранг ва бой маданияти ҳақида ки-тоб ёзишни режалаштирайман. Менинг бу камтарона сай-ҳаракатим халқларимиз ўртасидаги дўстона мўноса-батлар ривожига оз бўлса-да ўз хиссасини қўшишига умид қиламан».

«Синеграм» кинокомпанияси продюсери В.Велло-пулунинг айтишича, «Ўзбекистон томонининг қўллаб-қув-ватлаши туфайли мотопойганинг мамлакат ҳудудидаги босқичи жуда юқори даражада ташкил этилди. Барча иш-тироқчиларимиз ўзбекистонлик дўстлардан ғоятда мин-натдор».

Гуруҳга ҳамроҳлик қилиб келаётган испаниялик та-рихчи Л.Карлоснинг таъкидлашича, мотопойга ўтган ба-рача мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистон иштирокчи-ларда ўз меҳмондўстлиги, самимилиги ва очикқўнгили-ги билан ёрқин таассурот қолдирди.

«Ўзбекистон мана шундай гўзал, меҳрибон ва олий-жаноб халққа эга бўлган ажойиб ўлкадир. Испанияга қай-тгач, мен ўзининг барча қариндошларим, таниш-би-лишларимни тўллаб, юртингиздан олган таассуротларим билан ўртоқлашаман. Ва, албатта, уларга Ўзбекистонга ташриф буюришларини тасвия этаман. Ўзим эса кейинги таътилним оила аъзоларим билан юртингизда ўткази-шни ният қилдим. Бу шунчаки мактов сўзлари эмас, балки ниҳоятда жозибдор ва мафтункор Ўзбекистон ва унинг халқига нисбатан бўлган юксак ҳурматим ва ҳаққоний эътирофим ифодасидир».

«Жаҳон» АА.

Иқтисодиёт ТЕЖАМОР ҚУРИЛМАЛАР

МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ Фойдаланиш, ИСРОФГАРЧИЛИК ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ БЕБАҲО ВА ЗАРУР РЕСУРСЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Шу боис ҳам унинг тежамкорлигига муҳим аҳамият қаратилмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ав-томатлаштирилган электр юритмаларини ишлаб чиқариш корхонаси» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорла-ри ҳам бу борада изланишлар олиб бориб, тежамкор-ликка муҳим ҳисса қўшишга интиломоқда. Улар энергия-ни тежайдиган янги ускуналарни ишлаб чиқариш ва улар-ни йирик sanoat корхоналарида қўллашни ўз олдларига га мақсад қилиб қўйишган. Улар яратаятган патентланган ва рақобатбардор электр қурилмалари энергияни ўртанча 30-40 фоиз тежай имкониятини беради.

— Корхонамизда фаолият кўрсатаётган малакали мута-хассисларнинг изланишлари самара бериб бугунги кунгача электр энергиясини тежовчи қурилмаларнинг 20 хилдан ор-тигини ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Орифшон Хошимов. — Албатта, ҳар бир қурилмани яратар эканмиз, сифатига, тежамкорлигига ҳиссасига алоҳида эътибор қаратамиз. Махсулотларимиз дре-наж насослари, вентилятор агрегатлари, компрессор қурил-малари учун мўлжалланган бўлиб, тежамкорлиги, рақобат-бардорлиги, юксак самараси билан синовдан ўтган ва рес-публикамиздаги йирик sanoat бинолари ҳамда иншоотла-ри асосий буюртмачиларимиз саналади.

Корхона қурилмаларидан Бекобод металлургия комби-нати, Покент насос станцияси ва бошқа жамоаларда кенг фойдаланилмоқда ва самараси буюртмачиларни хушнуд этмоқда. Шу боис ҳам йил сайин ана шундай қурилмалар-га буюртмалар сони ортмоқда. Шунингдек, ускуналарга Жанубий Корея давлатидан ҳам харидорлар борлиги та-дбиркорларни изланишга, янги-янги тежамкор қурилма тур-ларини яратишга ундамоқда.

Жамоа махсулотлари ўтган йилда ўтказилган «Экосан» халқаро кўргазмасида биринчи ўринга сазовор бўлди. Мам-лакатимиз ички бозорини ўзларининг тежамкорлигига му-ҳим омил саналган махсулотлари билан таъминлаётган масъулияти чекланган жамияти аъзолари келгусида хори-жий ҳамкорлар билан ишлашни режалаштиришмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Маҳалла куни

ФАОЛ ВА ЕТАКЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

МАҲАЛЛА ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН БЎЛГАН МУҚАДДАС ГЎША. УНДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТ ВА АНЪНАЛАРИМИЗ ЎЗ АКСINI ТОПГАН. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УШБУ МУҚАДДАС ГЎШАГА БЎЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ТУФАЙЛИ У ЯНАДА КЕНГАЙИБ ВАКОЛАТЛАРИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Хусусан, ҳар йили анъанавий тар-зда ўтказилиб келинаётган «Маҳалла куни» тадбири ҳам ишдаги мўваффа-қият ва изланишлар самарасини кенг ёйиб, илғор тақрибларни оммалаш-тиришга қаратилганлиги билан эъти-борга моликдир. Кўни кеча мана шун-дай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтди. Шайхон-тоҳур туман «Маҳалла» жағмармаси томонидан тумандаги 49 та маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комисси-ялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалала-ри бўйича масъуллар билан эъти-борга ва фаоллар иштирокида таш-кил этилган ушбу тадбирда йил да-вомида халқ дарди ва хурсандчилиги йўлида меҳнат қилган бир гуруҳ фа-олларнинг меҳнатлари мўносиб тақ-дирланди.

Тадбирда сўз олган Тошкент ша-ҳар ҳокими ўринбосари, хотин- қиз-лар кўмитаси раиси Фаридат Абдура-ҳимова ва Ўзбекистон «Маҳалла» жа-ғмармаси Тошкент шаҳар бошқару-ви раиси Жамолiddин Шохамомов-лар кейинги йилларда маҳаллалар ривожига йўлида малга оширилаётган кенг камровдаги ислохотлар, унинг янада гуллаб- яшнаши борасида келгусида режалаштирилаётган иш-лар кўламини тўғрисида ўз фикр-му-лоҳазаларини билдириб ўтилар.

Тадбирда шунингдек, «Энг обод маҳалла» кўрик танловининг голиб-лари ҳам аниқланиб ўн битта номин-ация бўйича тақдирландилар. Ай-ниқса иштирокчиларга «Янги Кало-лон», Олим Хўжаев, «Жарариқ», Ман-нон Уйғур ва «Катта боғ» маҳалла-лари фаоллари томонидан маҳалла

ҳаётини акс эттиришга ба-йишлаб тайёр-ланган кўргаз-малари жуда маъқул бўлиб, олиб борила-ётган ибратли ишлар бўйича фикр алмашилар. — Маҳалламизда 4.350 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Энг намунали хотин- қизлар комис-сияси раиси» номинацияси голиби, «Жарариқ» маҳалласи хотин- қизлар комиссияси раиси Мавлуда Мираҳ-медова. — Фуқароларнинг тинч-осу-да яшашлари, вақтларини беҳуда кет-казмасликлари, фойдали меҳнат би-лан машғул бўлишлари, вояга етма-ганларнинг таълим-тарбия олишлари, спорт билан шуғулланишларига шарт-

шароит яратиш бўйича мунтазам иш олиб борилади. Хотин- қизлар ҳа-қуқлари, бурч ва масъулиятлари, бо-қалар тарбиясига янада эътибор қара-тиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб- қувватлаш, еш қизларни тур-мушга тайёрлаш, нотинч оилаларда соғлом муҳит ўрнатиш эса кўндалик ишимизнинг ташкил этади. Танловда голиб бўлганлардан эса беҳад ҳур-сандман. Кичик хизматимизнинг мана шундай юксак қадрланиши бизни кўпроқ изланишга, интилишга ундай-ди. Насиб этса Республикада ҳам

юқори ўринларни қўлга киритиб ма-ҳалламиз мавқени кўтарамиз. Барча катнашчиларга бир олам завқ улашган ушбу тадбирда чирой-ли байрам дастурхони ёзилиб шўҳ қуй-қўшқилар янгради. Ўйлаймизки, маҳалладошлар ушбу кўни узоқ вақт ёддан чиқармайдилар.

Шонра МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Мил-лий боғида бўлиб ўтган «Маҳал-ла куни» тадбирининг лавҳалар.  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар





